

<https://hstryres.uz/journal/index.php/makro>

2025, № 4 (10)

ISSN-3030-3761



ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
Илмий журнали

ИСТОРИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
Научный журнал

HISTORICAL RESEARCHES
Scientific journal

ТОШКЕНТ-2025

ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ИСТОРИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
HISTORICAL RESEARCHES

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосори:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief editor:

Шакиров Ильяс Рахимзянович
т.ф.ф.д., (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ
EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор, Академик
Ўзбекистон Миллий университети
Сулейманов Рустам Хамидович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Муминов Алишер Гаффарович
Сиёсий фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Зуев Андрей Сергеевич
тарих фанлари доктори, профессор
Новосибирск Давлат университети
Ишанхужаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Холиқулов Ахмад Баймаҳаматович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Габриэльян Софья Ивановна
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Убайдуллаева Барно Машрабжоновна
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Очилдиев Файзулла Бобоқулович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Саидбобоев Зокиржон Абдукаримович
тарих фанлари номзоди, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Азизов Илдар Рафаэлович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби

Сиддиқов Равшан Бердимуратович
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Тухтабеков Козимбек Азимбекович
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Бабабеков Акбар Давурбаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети
Баҳранов Шерзод Таштурсунович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Жамоат ҳафсизлиги университети
Али Назарова Дилдора Валишеровна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Холиқулова Шахноза Боймуҳамматовна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Навоий Давлат педагогика институти
Нормуродов Дилмурод Раҳматуллаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Абдулаева Нигора Санжаровна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети
Тоғаев Жасур Эркинович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Усаров Умид Абдумавлянович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Эгамбердиева Гузаль Акрамжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети
Эшқувватов Бобир Валикул ўғли
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

Контакт редакции журнала
Город Ташкент, улица Мирзо Голиба,
Исторический факультет
Национального Университета
Узбекистана имени Мирзо Улугбека
Web: <https://hstryres.uz/journal/>
E-mail: I.Shakirov91@mail.ru
Тел: +998900382203

Contact Editors of journal
Tashkent city, street of Mirzo Golib,
Faculty of history of the National
university of Uzbekistan named after
Mirzo Ulugbek
Web: <https://hstryres.uz/journal/>
E-mail: I.Shakirov91@mail.ru
Phone: +998900382203

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

1. Акрамова Фазилят Артикбаевна ПРОМЫШЛЕННЫЕ КАДРЫ В ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЕ В СОВЕТСКИЙ ПЕРИОД: СТАНОВЛЕНИЕ И ОСОБЕННОСТИ ПОДГОТОВКИ	7
2. Karimjonov Jasurbek Muxtorjonovich O‘ZBEKISTONDA TARIXIY SHAXSLAR NOMIDAGI MUKOFOTLAR TA‘SIS ETILISHI: TAQDIRLASH JARAYONLARI	16
3. Кобзева Ольга Петровна АКАДЕМИК Э. В. РТВЕЛАДЗЕ - ЖИЗНЬ, ОТДАННАЯ НАУКЕ	25
4. Ктайбеков Саламат Маманович ВОЗРОЖДЕНИЕ ВЕЛИКОГО ШЕЛКОВОГО ПУТИ И НОВЫЙ ЭТАП ВО ВЗАИМООТНОШЕНИЯХ УЗБЕКИСТАНА И ЯПОНИИ	34
5. Mamatqulov Bekzod Sherozovich O‘ZBEKISTON JANUBIY VILOYATLARIDA SANOAT TARMOQLARINING RIVOJLANISHI: TARIXIY TAJRIBA VA NATIJALAR (1925-1991 YILLAR)	45
6. Маматова Махфуза Бахриддиновна ТОРГОВЛЯ ИНДИЙСКИХ ЧАЕВ В СРЕДНЕЙ АЗИИ (ВТОРАЯ ПОЛОВИНА XIX - НАЧАЛА XX ВЕКА)	54
7. Mirzayev Komiljon Mamirjonovich O‘RTA OSIYO ARXELOGIYASI KAFEDRASINING PAYDO BO‘LISHI ZARURIYATLARI	61
8. Мусаев Нуриддин Умирзакович РОССИЯ ҲУКМРОНЛИГИ ДАВРИДА ТУРКИСТОНДА ПАХТАЧИЛИККА ЭЪТИБОРНИНГ КУЧАЙТИРИЛИШИ	69
9. Муминов Алишер Гаффарович., Эрназаров Шермухаммед Эшбекович ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРИХЧИЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИ	83
10. Muxamedov Yoqubjon Qodirovich G‘ARBIY TURK XOQONLIGI VA ERON SOSONIYLARI O‘RTASIDAGI DIPLOMATIK MUNOSABATLAR	91
11. Нарбеков Абдикамил Вафаевич НАСЕЛЕНИЕ УЗБЕКИСТАНА В ПЕРИОД НАЦИОНАЛЬНО-ТЕРРИТОРИАЛЬНОГО РАЗМЕЖЕВАНИЯ В СРЕДНЕЙ АЗИИ	102
12. Назаров Хумоюн Алишерович., Одилова Нилюфар Зоиржон кизи РЕЛИГИОЗНЫЕ ВЕРОВАНИЯ В СЕВЕРНОЙ БАКТРИИ В ПЕРИОД ПРАВЛЕНИЯ КУШАН	116

13. Normurodov Dilmurod Rashidovich IX–XII-ASRLARDAGI TOSHKENT VOHASI (SHOSH-ILOQ)NING SHISHASOZLIGI	132
14. Olimjonov Xabibjon Abduxalim o‘g‘li TURKISTON ASSRDA KUTUBXONA ISHINI TASHKIL ETISH BORASIDAGI CHORA-TADBIRLAR	147
15. Ochildiyev Fayzulla Bobokulovich O‘RTA OSIYO TEMIR YO‘LINING BUXORO AMIRLIGIGA KIRIB KELISHI VA TEMIR YO‘L BEKATLARINING FAOLIYATI	155
16. Rahmonqulova Zumrad Boyhurozovna O‘RTA OSIYO XONLIKLARI VA USMONIYLAR DAVLATI O‘RTASIDAGI IQTISODIY ALOQALAR TARIXIDAN	168
17. Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич ВКЛАД ВЫПУСКНИКОВ КАФЕДРЫ АРХЕОЛОГИИ В ИЗУЧЕНИЕ ИСТОРИИ КУЛЬТУРЫ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ	178
18. Саипова Камола Давляталиевна УПРАВЛЕНИЕ В ТУРКЕСТАНСКОЙ АСС В ПЕРВЫЕ ГОДЫ СТАНОВЛЕНИЯ СОВЕТСКОЙ ВЛАСТИ	184
19. Сиддиков Равшан Бердимуратович ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ: ЮТУҚЛАР ВА МУАММОЛАР	189
20. Tog‘ayev Jasur Erkinovich QADIMGI DAVR ME‘MORCHILIGI TARIXIY REKONSTRUKSIYASIGA DOIR (JANUBIY O‘ZBEKISTON MISOLIDA)	206
21. Тўхтабоева Дилафрўз Эргашевна ЖАҲОН ШАҲАРЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ КЎРИНИШИ	214
22. Ubaydullayev Ikromjon Farxod o‘g‘li O‘ZBEKISTON HUDUDIDAGI ANTIK DAVLATLARNING TARIXIY UZVIYLIGI VA RIVOJLANISH JARAYONLARI	219
23. Usarov Umidjon Abdimavlyanovich XIX ASRNING 60–70-YILLARIDA ROSSIYA IMPERIYASINING TURKISTON O‘LKASIDAGI YER EGALIGI VA MULKCHILIK MUNOSABATLARIGA OID SIYOSATI (Rasmiy amaldorlari va ishchi kommissiya vakillarining faoliyati misolida)	232
24. Холикулова Шахноза Баймахаматовна ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИЛК КИМЁ КОРХОНАСИ ТАРИХИ	242
25. Холикулов Ахмад Баймахаматович ВОҲАСИ БЕКЛИКЛАРИНИНГ БУХОРО АМИРЛИГИ СИЁСИЙ ТАРИХИДА ТУТГАН ЎРНИ (XIX АСР ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСРНИНГ БОШЛАРИ)	252

26. Худойкуов Урал Каримович ЖАҲОН ОЗИҚ- ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИНГ УСТУВОРЛИГИ ВА РИМ ДЕКЛАРАЦИЯСИ	260
27. Юнусова Хуршида Эркиновна ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ҲОЛАТИ ВА МУАММОЛАРИ (XX АСР 70-80 ЙИЛЛАРИ МИСОЛИДА)	268

Холикулов А. Б.

«Ўзбекистон тарихи» кафедраси профессори., DSc

Ўзбекистон Миллий университети

a.kholikulov@nuu.uz

ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИ БЕКЛИКЛАРИНИНГ БУХОРО АМИРЛИГИ СИЁСИЙ ТАРИХИДА ТУТГАН ЎРНИ (XIX АСР ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСРНИНГ БОШЛАРИ)

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада XIX аср иккинчи ярми – XX асрнинг бошларида Қарши, Шаҳрисабз, Китоб, Ғузор, Яккабоғ ва Чироқчи бекликларининг Бухоро амирлиги сиёсий тарихида тутган ўрни манбалар, архив ҳужжатлари, хорижий ва маҳаллий муаллифлар асарлари асосида ёритиб берилган. Шунингдек, амир ва маҳаллий беклар ўртасидаги ўзаро курашларнинг салбий оқибатлари зиёлилар асарлари орқали ҳам очиқ берилган.

Калит сўзлар: Бухоро амирлиги, Қарши, Шаҳрисабз, Китоб, Ғузор, Яккабоғ ва Чироқчи бекликлари, маъмурий тузилиш.

КИРИШ

Қашқадарё воҳасининг маъмурий тузилиши ҳам, ўз навбатида, ижтимоий-сиёсий вазиятга бевосита боғлиқ бўлган, яъни воҳадаги чуқур ижтимоий-сиёсий вазият унинг маъмурий тузилишига ўз таъсирини ўтказиб келган. Манбаларда XVI аср бошларида воҳада Қарши, Шаҳрисабз ва Ғузор вилоятларининг мавжудлиги тилга олинади. Шайбоний Абдуллахон даврида эса юқорида кўриб ўтганимиздек, Қашқадарё воҳаси Қарши ва Шаҳрисабз вилоятларига бўлинган эди. Аштархонийлар даврига келиб, Қарши Шаҳрисабзга қўшилади ва натижада воҳада Шаҳрисабз ҳамда Ғузор вилоятлари фаолият кўрсата бошлайди. Амирликдаги сўнгги сулола бўлмиш манғитлар даврида воҳа ҳудуди маъмурий жиҳатдан Қарши, Шаҳрисабз, Ғузор, Яккабоғ, Чироқчи бекликларига бўлинган. XVI-XIX асрлар орасида воҳа ҳаётида бирор муддат бўлсин тинчлик, осойишталик ва барқарорлик ҳукм сурмаган.

Бухоро амирлиги ва Қашқадарё бекликлари ўртасидаги сиёсий муносабатларга тўхталганда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим. Одатда, олий ҳукмдор алмашган пайтда Шаҳрисабз аҳолиси Бухорога бўйсунибдан бош тортиб. Иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан кучли Шаҳрисабзни забт этишда амирликнинг ҳарбий кучлари ҳамиша ҳам самара беравермаган. Бундай вазиятларда Бухоро ҳукмдорлари сулҳ тузиш ва келишувчанлик

йўлидан боришган. Амир Ҳайдар даврида Шаҳрисабз маҳаллий ҳоким Дониёр валломага мулк сифатида тақдим этилади ва Шаҳрисабз воҳаси деярли мустақил равишда бошқарилади [1]. Амир Насруллоҳ Бухоро ҳокимиятини тан олмайдиган маҳаллий бекларга қарши қаттиқ кураш олиб борганлиги тарихдан маълум. У ҳар йили баҳор ва куз ойлари давомида Шаҳрисабз ва Китобга тинимсиз юришлар қилиб, ўз ҳукмронлигининг 24 йили мобайнида ҳам мазкур бекликларни бўйсундира олмаган. Амир Насруллоҳ ҳарбий соҳада бирмунча самарали ислоҳотлар ўтказиб, ниҳоят 1856 йили Шаҳрисабз ва Китобни бўйсундиришга муваффақ бўлади. Афсуски, Шаҳрисабз ва Китобга қарши амир Музаффарнинг юришлари ҳам муваффақиятсиз тугаган [2].

Китоб, Шаҳрисабз ва Қашқадарё воҳасининг бошқа бекликлари 1870 йили Россия империяси кўшинлари томонидан истило қилиниб, сўнгра Бухоро амирига топширилади. Шу тариқа, Китоб-Шаҳрисабз воҳаси аҳолиси ва Бухоро амирлари ўртасида XVIII асрнинг ўрталаридан бошланган урушлар якун топади. Аммо XX аср бошларида ҳам қўзғолон таҳдиди сақланиб қолган бўлиб, унинг олдини олиш мақсадида Шаҳрисабз шаҳрида амирлик кўшинлари ушлаб турилган [3].

ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ НАТИЖАЛАРИ

Адабиётларда қайд этилишича, Шаҳрисабз ва Китоб бутун XIX аср мобайнида амир зулмидан қочган айрим амалдорлар ва ижод аҳли учун сиёсий бошпана вазифасини ҳам ўтаган. Мирзо Шамс Бухорийнинг таъкидлашича, Амир Насрулло тахтга ўтиргандан сўнг ўз душманлари қалбида кўркувни кучайтириш мақсадида кунига 50-100 кишини қатл қилдирган. Шу боисдан кўплаб одамлар Шаҳрисабзга қочишга мажбур бўлганлар [4].

Шаҳрисабзда яшаб ижод қилган шоир Ҳозиқ амир Насруллоҳ ёллаган қотиллар томонидан ўлдирилган. Шоир Ҳиромий ўз асарларида (“Чор дарвеш”, “Тўтинома” ва б.) кенгазларнинг қатағон қилиниши, марказий ҳокимиятнинг уларга нисбатан зўравонлик сиёсатини акс эттиради [5].

Амир ва маҳаллий беклар ўртасидаги ўзаро курашлардан четда тура олмаган зиёлилар ўз асарларида ушбу курашларнинг салбий оқибатларини очиқ берганлар. Шу сабабли шоир Рожий Шаҳрисабз ҳокими Акрамхон (амир Олимхоннинг амакиси) томонидан жадиждликда айбланиб, қатл этилган. “Мир Акрамхон Шаҳрисабз ҳокими лавозимига тайинлангандан сўнг, – дея ёзади Мирзо Салимбек, – бир неча кенгаз йўлбошчиларини жадиждликда айблаб, қатл қилди, уларнинг мол-мулки, уй-жойлари ва ерлари мусодара қилинди. У маҳаллий яҳудийлар 2 млн. рубль ва мусулмон бойлари 3 млн.

рубль солиқ тўлашларини талаб қилди. Шаҳрисабзнинг ҳар бир маҳалласидан сарбозликка олинадиган кишилар сони белгиланди. Эллик йил давомида кенас аҳли бундай зулмни кўрмаган. Шаҳар ва унинг теваарагида яшовчи халқ кўзғолон кўтарди” [6]. Натижада Амир Олимхон шаҳрисабзликларнинг талабини бажаришга розилик беришга мажбур бўлади. Улар қуйидагилардан иборат эди: Акрамхон билан биргаликда Бухородан Шаҳрисабзга келган 11 та амлокдорни ўз лавозимидан бўшатиш, шариатда белгиланган хирождан ташқари ҳоким томонидан сунъий равишда жорий қилинган солиқларни бекор қилиш, аҳолига тегишли барча масалаларни Шаҳрисабз оғалиғи Абдушукурбий билан келишган ҳолда ҳал қилиш [7].

Сўнгги Бухоро амирлари – Абдулаҳад ва Олимхон Россиянинг саноат, техника, фан ва маориф тизимида татбиқ этилган янгиликларидан хабардор бўлсалар-да, Бухоро амирлигида сиёсий, иқтисодий ва маданий ислохотларни амалга оширишга ҳаракат қилмаганлар. Амир Абдулаҳад бошқаруви даврида Туркистон генерал-губернаторлиги ҳудудларида истиқомат қилувчи деҳқонларга нисбатан Бухоро деҳқонларидан 8 марта кўп солиқлар йиғиб олинган [8]. Мирзо Салимбекнинг таъкидлашича, савдо-сотик мақсадида амир Абдулаҳад “Россиянинг турли вилоятларига кўп миқдорда қорақўл териси ва пахта жўнатган, ўз навбатида, у ерлардан зарур моллар олиб келинган. Савдо-сотикдан келадиган даромаддан амир Абдулаҳад ўз харажатлари йўлида фойдаланган; аҳолидан йиғилган ер солиғи амалдорлар, ҳарбийлар ва навкарлар харажатида ишлатилган. Ортиқча солиқлар олий ғазнага топширилган” [9].

Замондошларнинг маълумотларига кўра XX асрнинг бошларида Бухоро ҳукмдорлари халқ ҳаётидан анча узоқ бўлиб, улар халқ ишига деярли аралашмасдан яшаганлар [10].

Шаҳрисабз ҳокими Мирзо Салимбек ўз асарида амир Олимхоннинг 1910 йили Шаҳрисабз ва Китобга ташрифи, амирни кутиб олиш жараёнини тасвирлайди. Амирни кутиб олиш олий ҳукмдорга совғалар (от, кийим-кечак, озиқ-овқат, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва ҳ.к.) тортиқ этишдан бошланарди. “Арkning дарвозасига мен беш минг бухоро тангаларини сочдим, – дея ёзади Мирзо Салимбек, – дарвоза йўлагидан Оқсаройдаги олий тахтга қадар икки юз донна бухоро олтин тангаларини амирнинг оёғи остига сочдим...” [11].

Маълумки, XIX асрнинг биринчи ярмида Туркистон заминида сиёсий парокандалик авж олади. Шу даврда минтақада фаолият кўрсатаётган уч давлат ўртасидаги ўзаро қарама-қаршиликлар ва урушлар хонликларнинг ички салоҳиятини тобора заифлаштирган. Хива ва Қўқон хонлари сингари Бухоро ҳукмдорлари ва амалдорлари ҳам халқнинг тақдири, мамлакатнинг

тараққиёти ҳақида қайғуриш ўрнига, ўз шахсий манфаатларини ҳамма нарсадан устун қўйганлар. Тарихчи Сомийнинг ёзишича, амир Музаффар, халқни эзиш ва адолатсизликда отаси амир Насруллоҳдан ҳам ўтиб кетган [12]. Амирларга нисбатан бундай салбий муносабат ва танқидий баҳолар Аҳмад Донишнинг асарларида ҳам мавжуд.

Манбаларда Бухоро амирларидан бирортаси мамлакатда техникани ривожлантириш, янги ишлаб чиқариш усуллари жорий этиш, кучларни жаҳон тамаддуни ютуқларидан фойдаланишга сафарбар этишга уринганликлари ҳақида маълумотлар учрамайди.

Бухоро амирларининг Шарқий Қашқадарё бекликларига қарши юришлари натижасида жойлардаги яйловлар, мевали боғлар, пишиб етилган буғдойзорларнинг ваҳшийларча ғорат қилиниши аҳолига оғир зарар етказиб, улар бундан узоқ муддат азият чекканлар.

Бухоро амирлиги устидан Россия империяси протекторати ўрнатилгандан кейин ҳам Қашқадарё воҳасида ижтимоий-иқтисодий вазият деярли ўзгармаган. Шариатда белгиланган тартибда олинадиган асосий солиқлар ҳамда кўплаб қўшимча тўлов ва мажбуриятлар сақланиб, бу ҳолат амирлик ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча соҳаларига ўз таъсирини ўтказарди.

Солиқларнинг белгиланган аниқ миқдorigа қатъий амал қилинмас, бу эса солиқчиларнинг ўз вазифаларини суиистеъмол қилишларига йўл очиб берарди [13]. Сўнгги Бухоро ҳукмдори амир Олимхоннинг бошқаруви даврида сарбозлар ва амалдорлар маошининг оширилиши аҳолидан солиқларнинг янада кўпроқ йиғилишига олиб келган.

Қиёслаш сифатида шуни таъкидлаш жоизки, Шарқий Бухоро (Сурхон воҳаси, Жанубий Тожикистон) вилоятларида юқори мансабларга амир томонидан маҳаллий шароитни тушунмайдиган бекларнинг тайинланиши ва солиқ йиғувчиларнинг ўзбошимчаликлари маҳаллий аҳолининг норозилиги ва кўзғолонларига сабаб бўлган [14]. Зулм ва турли тўловлардан толиққан айрим туманлар (Ғузор, Шеробод) аҳолиси ўз уй-жойларини ташлаб, Афғонистон ҳудудларига кўчиб кетишга мажбур бўлганлар [15].

Амир Музаффар тахтга ўтирган пайтда Денов, Ҳисор, Кўлоб, Қоратегин ва Дарвоз аҳли амирга қарши чиқади. Шарқий Қашқадарё кенагаслари эса Шаҳрисабз ва Китоб ҳокимлари Ашурбий ва Зокирбийларни қувиб юбориб, маҳаллий қавмлар йўлбошчилари Ҳакимбек ва Жўрабекни Шаҳрисабз ва Китоб беклари мансабига кўтарадилар [16]. Амир Насруллоҳ даврида тайинланган Шаҳрисабз ва Китоб беклари Ашурбий ва Зокирбийларнинг адолатсизликларидан жабр кўрган халқ маҳаллий йўлбошчиларга таяниб кўзғолон уюштиради. Бухоро амири билан кураш 1870 йилга қадар давом этади.

Бухоро ва Шаҳрисабз ўртасида юзага келган кескин муносабатларнинг сабабларини дастлаб XIX аср муаллифлари очиб беришга ҳаракат қилганлар, аммо мазкур қарама-қаршиликларни вужудга келтирган турли омиллар етарлича таҳлил қилинмаган [17]. Мазкур асарларда Китоб-Шаҳрисабз воҳаси кенагасларининг айирмачилиги ва исёнкорлиги ўртадаги кескинликнинг асосий сабаби сифатида қайд қилинган.

Совет даври тарихшунослигида Қашқадарё воҳаси бекликлари ва Бухоро амирлиги ҳокимиятининг турли хронологик босқичлардаги ўзаро муносабатлари масаласига оид махсус тадқиқотлар амалга оширилмаган. Мазкур адабиётларда XIX–XX аср бошларида воҳа бекликларининг этник таркиби, ҳўжалик ва ҳунармандчилик турлари, шаҳарлар ва савдо-сотиқ тизими, ижтимоий-иқтисодий вазият ва айрим сиёсий муаммолари ўз аксини топган [18].

Бухоро амирлиги мағлуб этилгач, Россия-Бухоро шартномасига кўра, империя амирликнинг ички бошқарув тизими ва диний ишларига аралашмаслик мажбуриятини олган эди. Шунга мувофиқ, амирлик давлат бошқаруви ва унинг тузилиши деярли ўзгармай қолаверди. Бухоро амирлигининг шаҳар ва қишлоқ аҳолиси (шу жумладан, Қашқадарё воҳаси аҳолиси ҳам) авалгидек эскича тарзда турмуш кечирарди. Давлат аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазифасини ўз зиммасига олмаганди. Бу эса давлат билан аҳоли ўртасида зиддиятнинг чуқурлашиб боришига олиб келаётган асосий сабаблардан бири эди. 1897 йилдаги маълумотга асосан, Қашқадарё воҳасида 540 минг аҳоли мавжуд бўлиб, шундан 510 минги қишлоқларда ва 30 минги шаҳарларда истиқомат қиларди [19].

Руслар истилосидан сўнг ҳам халқнинг аянчли аҳволи ўнганмади. Шунга қарамай, XIX аср охирларида Қарши ва Шаҳрисабзнинг сиёсий ва иқтисодий мавқеи амирликда жуда мустаҳкам эди.

ХУЛОСА

Юкоридаги фикрларимизга хулоса тарзида шуни айтиш мумкинки, Қашқадарё воҳаси бу даврда (XIX–XX аср бошларида) Бухоро амирлиги ва кўшни ҳудудлардаги сиёсий воқеалар таъсиридан четда қолмади ва кўп ҳолларда ички сиёсий низоларга фаол аралашиб турди. Манғит амирлари даврида, айниқса, амир Насруллоҳ ҳокимият тепасига келгач, ўз қўл остидаги вилоятларни шафқатсиз равишда талаш, уруғлар ўртасидаги низоларни атайин кескинлаштириш, юрт олиш сиёсатини юргизади. Воқеаларнинг бу тарздаги ривож, албатта, воҳанинг иқтисодий ва маданий тараққиётига сезиларли даражада салбий таъсир кўрсатди. Шунга қарамасдан, Қашқадарё воҳаси бекликлари –Қарши, Шаҳрисабз, Китоб, Ғузор, Яккабоғ ва Чироқчи

XIX–XX аср бошларида Бухоро амирлигининг муҳим таркибий қисми сифатида давлатнинг нафақат ижтимоий-сиёсий, балки иқтисодий ҳаёти ривожига ҳам муҳим ўрин тутган.

Умуман олганда, марказий ҳокимият ва Қашқадарё воҳаси бекликлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг таҳлили шундан далолат берадики, XIX асрда солиқлар миқдорининг ошиб кетиши, Бухоро амирларининг воҳа аҳолисига нисбатан зўравонлик сиёсати, маҳаллий бекликларга амир қариндошлари ва тахт ворисларини ноиб этиб тайинлаш анъанаси аҳолининг жиддий норозилиги ва ғалаёнларига сабаб бўлган.

Турли йилларда Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ ва Чироқчи беклари амирга солиқлар тўлашдан бош тортиб, маҳаллий йўлбошчиларга таянган ҳолда амирдан мустақил бўлишга интилиб келганлар. Шу сабабдан давлат мансабида турган айрим Бухоро тарихчиларининг асарларида Шаҳрисабз кенагаслари “исёнчилар” сифатида таърифланиб, танқидга учраган. Бундай ёндашув ҳолис эмас ва мазкур асарларда турли даврларда вужудга келган норозилик сабаблари етарли даражада ёритилмаган.

Бухоро устидан Россия империяси протекторати ўрнатилгандан кейин ҳам ижтимоий-иқтисодий ҳаёт ва сиёсий вазиятда сезиларли ўзгариш кўзга ташланмади, амир сиёсатидан норози бўлган кишилар қатағон қилинди. Бухоро амирлиги большевиклар томонидан тугатилгунга қадар (1920) Шаҳрисабзда кўтарилиши мумкин бўлган кўзғолоннинг олдини олиш мақсадида шаҳарда амирлик қўшинлари ушлаб турилдики, бу сиёсий вазиятдаги нотинчлик узил-кесил барҳам топмаганлигидан далолат беради.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Сагдуллаев А., Аминов Б., Мавлонов Ў., Норкулов Н. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. – Тошкент: Академия, 2000. – Б. 195–196.
2. Мирза Салимбек. Тарих-и Салими (источник по истории Бухарского эмирата) / Пер. с персидского, введения и примеч.: Н.К.Норкулов, ред. Перевода: А.К.Андерс, предисловие, ред. введения и примеч.: А.С.Сагдуллаев. – Ташкент: Akademiya, 2009. – Б. 244.
3. Мирза Салимбек. Тарих-и Салими... – Б. 244.
4. Анке фон Кюгельген. Легитимация среднеазиатской династии мангитов в произведениях их историков (XVIII – XIX вв.). – Алматы: Дайк Пресс, 2004. – С. 361.
5. Қадимги Кеш – Шаҳрисабз тарихидан лавҳалар / Масъул муҳаррир А.С.Сагдуллаев. – Тошкент: Шарқ, 1998. – Б. 200–201.
6. Мирза Салимбек. Кўрсатилган асар. – Б. 245.

7. Мирза Салимбек. Тарих-и Салими... – Б. 245.
8. Анке фон Кюгельгин. Легитимация среднеазиатской династии мангитов... – С. 362.
9. Мирза Салимбек. Тарих-и Салими... – Б. 86.
10. Каримов Н. XX аср бошларидаги тарихий вазият ва жаидчилиқ ҳаракатининг вужудга келиши // Жаидчилик, ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. – Тошкент: Университет, 1999. – Б. 27.
11. Мирза Салимбек. Кўрсатилган асар. – Б. 134.
12. Алимова Д.А. XIX аср охири – XX аср бошларида Бухородаги ижтимоий-сиёсий вазият ва жаидчилик // Жаидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. – Тошкент: Университет, 1999. – Б. 87.
13. Kholikulov, A., & Nematov, O. N. (2020). The Role Of The Principalities Of The Kashkadarya Oasis In The Political History Of The Bukhara Emirate In The XIX-Early XX Centuries. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 2(11), 79-85.
14. Холикулов, А. (2024). Геополитическая обстановка в середине XVIII-начале XIX века и место Бухарского эмирата в ней. *Общество и инновации*, 5(3), 15-26.
15. ЎзР МДА. 126-жамғарма, 1-рўйхат, 449-иш, 46-варақ.
16. Мирза Салимбек. Тарих-и Салими... – Б. 36–37.
17. Аминов Г. Краткие исторические сведения о прежних отношениях Бухары к Шахрисабзу // Туркестанский сборник. –СПб., 1873. – Т. 60. – С. 405-407.
18. Семенов А.А. Очерк поземельно-податного и налогового устройства б. Бухарского ханства // Тр. САГУ. – Ташкент, 1929. – Серия 2. – Вып. 1. – 54 с.; Хамраев А.Х. К вопросу о земельно-водных отношениях в Бухарском ханстве в XIX веке // Тр. САГУ. Гуманитарные науки. Кн. II. – Ташкент: САГУ, 1948. – Новая серия, вып. 9. – 32 с.; Тухтаметов Т.Г. Экономическое состояние Бухарского эмирата в конце XIX – начале XX веков // Тр. Института истории АН Кирг. ССР. – Фрунзе, 1957. Вып. III. – С. 151-183; Сухарева О.А. К истории городов Бухарского ханства. – Ташкент: АН Уз ССР, 1958. – 148 с. ва бошқ.
19. Янгибоев М. Қашқадарё область аҳолиси ва меҳнат ресурслари. Геог. фан. ном. ... дисс. –Тошкент, 1973. – Б. 65.

Холикулов А. Б.

DSc., профессор кафедры «Истории Узбекистана»

Национальный университет Узбекистана

a.kholikulov@nuu.uz

**РОЛЬ КАШКАДАРЬИНСКИХ БЕКСТВ В ПОЛИТИЧЕСКОЙ
ИСТОРИИ БУХАРСКОГО ХАНСТВА
(ВТОРАЯ ПОЛОВИНА XIX – НАЧАЛО XX ВЕКОВ)**

АННОТАЦИЯ

В статье на основе источников, архивных документов, трудов зарубежных и местных авторов рассматривается место княжеств Карши, Шахрисабза, Китаба, Гузара, Яккабага и Чиракчи в политической истории Бухарского эмирата во второй половине XIX — начале XX вв. Также в трудах интеллигенции раскрывались негативные последствия борьбы эмира с местными беками.

Ключевые слова: Бухарский эмират, Карши, Шахрисабз, Китаб, Гузар, Яккабагский и Чиракчинские бекства, административное устройство.

Kholikulov A. B.

DSc., professor at the department of «History of Uzbekistan»

National university of Uzbekistan

a.kholikulov@nuu.uz

**THE ROLE OF THE KASHKADARYA REBELLIONS IN THE
POLITICAL HISTORY OF THE BUKHARA KHANATE
(SECOND HALF OF THE 19TH – BEGINNING OF THE 20TH
CENTURIES)**

ABSTRACT

The article, based on sources, archival documents, and works by foreign and local authors, examines the place of the principalities of Karshi, Shakhrisabz, Kitab, Guzar, Yakkabagh, and Chirakchi in the political history of the Bukhara Emirate in the second half of the 19th and early 20th centuries. The works of the intelligentsia also revealed the negative consequences of the emir's struggle with local beks.

Keywords: Bukhara Emirate, Karshi, Shakhrisabz, Kitab, Guzar, Yakkabag and Chirakchi beys, administrative structure.